

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛЧИЕВ ҚАХХОР ВАХОБОВИЧ

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БИРЛИК ВА УЧЛИК ШЕЪР ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона шаҳар – 2017 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Юлчиев Каххор Вахобович

Ўзбек шеърятда бирлик ва учлик шеър поэтикаси.....3

Юлчиев Каххар Вахабович

Поэтика одностиший и трехстиший в узбекской поэзии.....21

Yulchiyev Qahhor vahobovich

Poetical singular and triplets of Uzbek poetry41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

2

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛЧИЕВ ҚАХХОР ВАХОБОВИЧ

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БИРЛИК ВА УЧЛИК ШЕЪР ПОЭТИКАСИ

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона шаҳар – 2017 йил

3

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.I.PhD/Fil.4 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифада (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар: Солижонов Йўлдошхўжа

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Дониёрова Шоира Хурсановна

филология фанлари доктори, доцент

Назаров Бахтиёр Аминович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail:

fardu_info@umail.uz.

Диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент.

Ш.М.Искандарова

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор.

4

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида кичик лирик жанрлар таркибига кирувчи бирлик ва учлик шеърӣ асарларнинг тарихий манбаларини очиб бериш, бадий тақомилини кўрсатиш, бадий тафаккурга хос хусусиятларини аниқлаш алоҳида мавқеъ касб этади. Бинобарин, дунё халқларининг бирлик ва учлик ҳақидаги илмий-назарий қарашларини умумлаштириш, мазкур жанрларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларни акс эттиришдаги даражасини баҳолаш ҳам адабиётшуносликнинг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ўзбек адабиётшунослигида поэтик тафаккур тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган кичик лирик жанрларни таҳлил қилишга эътибор қаратилиб, у алоҳида йўналиш сифатида тақомилга эришяпти. Шунинг учун ўзида миллат руҳи, халқ ўтмиши, бугуни ва келажagini акс эттирадиган ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятида юз бераётган шаклий-услубий ўзгаришларни илмий асослаш, бирлик ва учлик шеърнинг жанр табиатини очиб бериш, уларнинг майдонга келиш манбаси ва омилларини белгилаш адабиётшунослигимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Адабиёти мизда қадимдан турли шаклларда мавжуд бўлган, ўзида бадий тафаккур

қирраларини жамлаган кичик лирик жанрлар доирасида бирлик ва учлик шеърый жанрларни ўрганиш орқали ўзбек шеърыйатининг тараққиётига аниқлик киритиш ҳам ушбу эҳтиёж маҳсулидир. Инчунин, бирлик ва учлик шеър таҳлили орқали уларнинг тавсиф ва таснифини амалга ошириш, структураси ва образлар тизимини аниқлаш, уларнинг халқ бадиий тафаккуритараққиётидаги ҳиссасини ёритиш адабиётшунослигимизнинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги ҳам шу билан белгиланади. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан

тириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурамал бўлиб хизмат қилади¹.

Дунё адабиётшунослигида кичик лирик жанрларнинг манбаси, асослари ва бадиий-эстетик хусусиятларини илмий мақсадларда ўрганиш анча аввал бошланган ҳамда бу борада муайян ютуқларга эришилган. Хусусан, адабиётшуносликда бирлик, учлик шеърларнинг талқин ва таҳлили амалга оширилган. Бироқ, бугунги кундаги эҳтиёж бу борада тўпланган билим ва тажрибалар етарли эмаслигини кўрсатади. Бу эҳтиёж кичик лирик жанрларнинг янгича кўриниши – бирлик ва учлик шеърларни монографик тадқиқот объекти сифатида тавсифлаш, бирлик ва учликнинг бадиий тақомилини ўзбек илмий тафаккури, миллий-руҳий дунёси ва турмуш тарзи ривож-ланиши билан биргаликда ўрганиш, жаҳон адабиётшунослигини бундан хабардор қилиш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, халқимиз қадим замонлардаёқ борлиқ ҳодисаларини диалектик англаган ҳолда бадиий-эстетик тафаккурдан ўтказиб баҳолагани, ихчам шаклда теран

¹Қаранг: “Халқ сўзи”, 2017 йил, 8 февраль.

маъно ифодалай олгани адабиёт тараққиёти ҳақида янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ 4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривож лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида кичик лирик жанрлардан бирлик ва учликлар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, XVI асрдаёқинглиз адабиётшунослигида Бен Жонсон бир мисрали шеър мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган². XX аср ўрталаридан бошлаб турк, рус, корейс, бурят, қорақалпоқ олимлари ишларида бирлик ва учлик жанрлари тадқиқ этилган³.

Кичик лирик жанрлар бўйича ўзбек адабиётшунослигида ҳам М.Иброҳимов⁴, А.Ҳайитов⁵, А.Расулов⁶, У.Тўйчиев⁷, Қ.Йўлдошев⁸лар изланиш олиб боришган. Хусусан, кичик поэтик жанрларни услуб

²Бен Жонсон. Қайдлар ёки кузатишлар. Китобда: Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.182.

³Қаралсин: 1) Mehmet Kaplan. Cumhuriyet devri turk şiiri (Ankara: Başbakanlık Basımevi, 1990. – С.535-538); 3) Конюхова Л.Н. Формально-содержательные модификации моностиха в русской литературе XX века. Автореф. дис. ... канд. фил.наук. <http://www.dissercat.com>; 4) Кузьмин Д.И. История русского моностиха. Автореф. дис. ... канд. фил.наук. М.– 24 с.<http://www.dissercat.com>; 5) Го Сун Ми. Природа в татарской поэзии начала XX века и в корейской лирике 1600-х гг. Автореф. дис. ...канд. фил. наук.–Казань, 2012.–24 с.<http://www.dissercat.com/>; 6)Мижит Л. С. Триада в тувинской словесности: поэтический жанр ожук дажы (трехстишие). Автореф. дис. ... канд. фил. наук.– Уфа, 2007 – 24 с. <http://www.dissercat.com>; 7) Orazmbetov Q. Ha'zirgi qaraqalpaq lirikasında ko'rkem formalardn' evolyutsiyas h'a'm tipologiyas (1970-2000-jillar). – No'kis: Bilim, 2004, – 94 б.

⁴Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари. Китобда: Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983, – 154-192 б. ⁵Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек шеърларида анъана ва услубий изланишлар. Фил. фан. ном. ...дис. – Тошкент: ТАИ, 2004, – 132 б.

⁶Расулов А. Бетакорр ўзлик. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2009, – 236 б.

⁷Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011, – 508 б.

⁸Йўлдошев Қ. Улкан туйғуларнинг мўъжаз суратлари. Китобда: Фарида Афрўз. Тасбеҳ. – Тошкент: Шарқ, 2007. –Б.3-10.

6

хусусиятлари жиҳатидан ўрганган М.Иброҳимовнинг ишида бирлик ва учлик тадқиқот предмети сифатида олинмаган. У.Тўйчиев бирликларни «насрий шеър» деб атаган. А.Ҳайитов номзодлик диссертациясининг бир фаслида Фахриёр бирликларини таҳлил этган. Қ.Йўлдошев Фарида Афрўз ижодидаги кичик лирик жанрлар ҳақида сўз юритган. Шунингдек, олимлардан Й.Солижонов⁹, Д.Қуронов¹⁰, А.Сабирдинов¹¹, Г.Саидғаниева¹²лар ҳам бирлик ва учлик ҳақида ўз фикрларини билдиришган. Бирлик ва учлик жанрлари тадқиқига бағишланган ишларда: 1) бирлик ва учлик алоҳида жанр; 2) бирлик бирор фикрни исботлаш учун тарихий-мемуар, илмий-назарий рисола таркибидаги шеър; 3) бирлик шеър ҳам эмас, наср ҳам эмас, у удетрон ёки насрий шеър; 4) учлик охирига етмаган лирик композиция ёки бандли шеър сифатида ёндашилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси сининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот

режаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институтида ФА–Ф1–Г 040 рақамли «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» (2012-2016) мавзусидагилойиҳа доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ўзбек шеърлятидаги бирлик ва учлик лирик жанрларининг идентификациясини ишлаб чиқиш, уларнинг генезиси ҳамда поэтик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик лирик жанрлар категорияси юзасидан мавжуд назарияларни таҳлил этиш, уларнинг бирлик ва учлик жанрларига боғлиқ жиҳатларни белгилаш;

бирлик ва учлик шеърларнинг структурасига хос хусусиятларни очиб бериш;

бирлик ва учликнинг генезиси ҳамда манбаларини аниқлаш, бирлик шеърнингироник, фалсафий-афористик, ижтимоий-публицистик каби таснифини ишлаб чиқиш;

бирлик ва учлик жанрларнинг шаклий-мазмуний структураси, образлар тизимининг бадиий-эстетик ва ғоявий-функционал табиати, учлик шеър композициясини аниқлаш;

бирлик ва учлик шеър жанрининг намоён бўлиш шакли, поэтик мақоми ва хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида А.Обиджон, Ф.Афрўзларнинг кичик лирик жанрдаги шеърлари танланган.

⁹Солижонов Й. Мўъжизалар сехри. – Тошкент: Мухаррир, 2014, –126 б.

¹⁰Куронов Д. Талқин имкониятлари. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015, – 88 б.

¹¹Сабирдинов А. Ойбекнинг шеърый маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005, – 172 б.

¹²Саидғаниева Г.Ш. Истиқлол даври лирикасида строфика ва ритмнинг поэтик образ яратишдаги ўрни. Фил. фан. ном. ... дис. –Тошкент, ТАИ, 2011, –136 б.

Тадқиқотнинг предметини ўзида бирлик ва учлик шаклини кўрсатувчи кичик лирик жанрлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқот мавзусини ёритишда генетик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, бадиий таҳлил, тавсифлаш ватаснифлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бирлик ва учликлар ўзбек адабиётида тарихий-генетик асослари, таркибий тузилиши ва поэтик табиатига кўра алоҳида бадиий тизим сифатида шакллангани исботланган;

лирик кечинма табиати турли шаклдаги шеърларнинг таркиб топишига сабаб бўлиши, бунда асарнинг бадиий тили муҳим ўрин тутиши, қарама қарши мазмуний структура бирлик ва учлик шеър матнининг шаклланишида

зарурий моҳият касб этиши кўрсатилган;

бирликларнинг бадиий идрок ва ифода усули, мавзу кўлами ҳамда оҳангдорлигига кўра таснифи шоирларнинг ўзига хос поэтик кашфиётлари намоён бўлиш усуллари сифатида асосланган;

бирлик ва учлик шеърларнинг жанр хусусиятлари, композицион қурилиши, образлилик ва воқеликни бадиий ифодалашнинг мазмуний қатламлари тизими белгилаб берилган;

учлик шеър структураси тўртлик шеър тузилишининг қисман модификация қилинган варианты ва ижодкор индивидуал изланишлари маҳсули эканлиги, улардаги шакл ва мазмун бирлиги, мавзу ва ғоя тизимида ўзбек халқининг миллий тафаккур тарзи ва бадиий-эстетик идеали намоён бўлиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

бирлик ва учликларнинг идентификацион қоидалари, жанрларнинг генезиси, поэтикаси ҳақидаги илмий хулосалар адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, бадиий таҳлил асослари, адабиётшунослик методологияси каби фанлардан яратиладиган дарслик, қўлланма ва луғатларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

бирлик ва учликларнинг поэтик хусусиятларини аниқлашдаги фонетик, лексик, стилистик ва бадиийлик омиллари, воситалари аниқланган; бирлик ва учлик шеър матнидаги бадиий қурилма шеър таҳлилини осонлаштириши исботланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган монография ва илмий мақолалар адабиёт таълимида талаба ва ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидини ошириши, ўзбек шеърятини талабаларга ўргатишдаги амалий аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни қиёслаш, ўзбек ва жаҳон адабиёти нинг турли даврларига оид манбаларга таянилгани ҳамда ўзининг илмий исботини топгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, изланиш хулосалари

8

нафақат ўзбек шеърятининг ҳозирги даври, балки тарихий тараққиётида юз берган шаклий-услубий ва структурал томонлардан янгилангани ҳақидаги билимларни тўлдиради ва кенгайтиради. Кичик лирик жанрларнинг бирлик ва учликтури мавжудлиги ҳақидаги қарашлар адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, ҳозирги адабий жараён фанларининг ривожланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бирлик ва учликларнинг пайдо бўлиш омиллари, манбалари, жанр табиати, тили ва образлар тизими ҳақидаги қарашлар янги ўзбек адабиёти, адабиётшунослик назарияси, ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, замонавий ўзбек лирикаси,

шеърый жанрлар типологияси, назарий поэтика каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилади. Яратилган монография адабиётшунослик фанларини ўқитишда қўшимча манба сифатида ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бирлик ва учликларнинг жанр хусусиятлари, генезиси ва поэтикасини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

ўзбек шеъриятидаги бирлик ва учликларнинг умумий ва фарқли томонлари, поэтик хусусиятлари ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётига боғлангани, ўзбек шеъриятидаги учликлар корейс шеъриятидаги учликлар билан типологик муносабатда, япон шеъриятидаги хайку билан эса адабий таъсирга эгаллиги, бирликларни таснифлаш ва уларнинг ижтимоий муаммоларни ёритишдаги аҳамияти, лирик воқеликнинг кульминацион нуктасинигина ифодалаши каби масалаларни ечишда ФА – Ф1-Г 040 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” мавзусидаги фундаменталь лойиҳада фойдаланилган (2017 йил, 18 январдаги ФТК-0313/56 рақамли маълумотнома). Лойиҳанинг ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрнини белгилаш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилган;

Анвар Обиджоннинг озодлик, эрк, юрт мустақиллиги, инсон ва унинг юксак эстетик идеалига оид бирлик ва учлик шеърлари таҳлилидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан тақдим этилган «Замонавий баркамол шахс тарбиясида оқилона турмуш тарзини шакллантиришнинг инновацион омиллари» номли инновацион лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фойдаланилган (2016 йил, 23.06.даги № 29-сонли маълумотнома). Баркамол шахс тарбиясида оқилона турмуш тарзини шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўзбек шеъриятидаги бирлик ва учликларнинг генезиси ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёти намуналари билан боғлиқлиги, ҳар қандай бир ёки уч қаторли асар ҳам шеър деб аталмаслиги, бунинг учун ўзига хос поэтик структура бўлиши лозимлиги, кам сўз ёрдамида теран мазмун ифодалаш ижодкордан узоқ йиллик изланиш, маҳорат талаб қилиши ҳақидаги фактик материаллардан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси (9.01.2017даги №01-03/32

9

маълумотнома) фаолиятида ижодкорлар маҳоратини ошириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш, турли тўғарак ва семинарлар ўтказишда ҳам фойдаланилиб келинмоқда. Илмий натижаларнинг қўлланиши туфайли замонавий ўзбек шеъриятидаги бирлик ва учлик шеърларнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари очиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 марта республика конференциясида, хусусан, «Филологиянинг долзарб масалалари» (Қўқон, 2012); «Содружество

языков – содружество культур» (Наманган, 2013); «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология» (Тошкент, 2013); «Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари» (Наманган, 2016); «Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари» (Қарши, 2016); 2 та халқаро конференцияда, хусусан, «Рациональное применение научных знаний» (Украина. г. Горловка, 2012), «Science, technology and Higher Education» (Canada, Westwood, 2012) сингари илмий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 2 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 161 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Бирлик шеър назарий муаммо сифатида**» деб номланган. Унда кичик лирик жанрлар, хусусан, бирлик шеърнинг назарий асослари, ўрганилиши, бирликнинг тарихий илдизи, манбалари ва омиллари тадқиқ қилинган.

Бобнинг бошланишида XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб, ўзбек шеъриятида шакл ва мазмун ўзгаришлари кучая бошлагани, натижада Анвар Обиджон «игнабарг», Фарида Афрўз «фикра», бошқа ижодкорлар эса

«мисра», «бир қаторли шеър» деб атайдиган шеърий шакллар юзага келгани ҳақида сўз юритилади.

Биринчи фасл «**Бирлик шеър генезиси ва манбалари**» деб номланган. Инглиз олими Бен Жонсоннинг «шеър деб фақат шоирнинг кўп ё озроқ миқдордаги мисралардан таркиб топган асаригина аталмайди, йўқ, баъзан ҳатто биргина мисра ҳам аъло даражадаги шеър бўлишга қодир»¹³ эканлиги,

рус олими Н.Степановнинг «жанр ўзгармайдиган ёки мангуга шаклланган эмас, у ўсиб ва ўзгариб, нафақат мазмунни тўлдириб, балки ўз структурасини ҳам ўзгартириб боради»¹⁴ деган фикрларига таянилган ҳолда бирликнинг назарий асослари таҳлил этилади.

Бирлик ва учлик жанрлари бўйича изланишлар олиб борилгани, бироқ тадқиқот ишлари ҳар қанча кўпайган ва муаммо турли даражада ўрганилган бўлмасин, ҳозирга қадар пайдо бўлиш сабаблари, бир қаторли асарларнинг қайсиларини шеър деб олиш мумкинлиги, жанрий мақоми, бадиий хусусиятлари каби масалалар баҳсталаблигича қолаётгани айтилади. Бу, бир томондан, бирлик шеърнинг мураккаб ва ўзига хос ҳодиса эканлигини билдирса, иккинчи томондан, унга бўлган ёндашувларнинг турлича эканлиги билан боғлиқ. Чалкашликларга йўл қўймаслик учун бир қаторли шеърларга «бирлик» атамасини қўллаймиз. Лекин шоирнинг индивидуал маҳорати ва қарашлари эътиборга олиниб, ўрни келганда «игнабарг», «фикра» деб қўлланиши мумкинлиги тавсия қилинади.

Тадқиқотчи А.Ҳайитов «Дастлаб Туркиядаги... Иброҳим Шиносийнинг 1863 йилда эълон қилинган ... «Сайланма»сида бир мисралик фардлар учрайди»¹⁵ дея мисрани муфрадотнинг жанр ўзгариши билан боғлайди ва ғализ номлаган.

Анвар Обиджоннинг «Танланган шеърлар» тўпламида¹⁶ 128 та бирлик шеър берилган. Муаллиф уларни «игнабарг» деб атайдди. «Игнабарг» дейилиши мазмундаги фикр, ғоя ўқувчига игна каби «санчилиши» ва арчанинг игнабарги каби доимо яшил бўлиб, яшнаб туришига жуда мос тушади.

Бирлик атамасининг маъноси «игнабарг»га нисбатан кенгроқ бўлиб, игнабарг шеърни бирлик жанр деб қараш тўғри бўлади. Бирлик илмий атама сифатида ишлатилса, игнабарг шу атаманинг бадиийлаштирилган, мажозий шакли деб олинади. Олим У.Тўйчиев эса бирлик шеърларни «насрий шеър» деб атайдди¹⁷.

Анвар Обиджоннинг игнабаргларидаги туруқларнинг ташкил топиши ва ўзаро муносабати бўйича бизнинг фикримиз ҳам В.Г.Родионовнинг фикри

¹³ Бен Жонсон. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. Қайдлар ёки кузатишлар. Ўқув қўлланма-хрестоматия. Тузувчилар: Д.Қуронов, Б.Раҳмонов. - Тошкент. «Фан». 2008. 182-бет. ¹⁴Степанов Н.Л. Лирика Пушкина. -Москва. «Художественная литература». 1974. –Стр. 125. ¹⁵Ҳайитов А.Ҳ. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Фил. фан. ном. ... дис. – Тошкент.2004. – Б.107.

¹⁶ Обиджон, Анвар. Танланган шеърлар. – Тошкент. «ШАРҚ» НМАК. 2006. 400 б.

¹⁷Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011, – Б.271-272.

билан мос келади. Чунки олимнинг айтишича, замонавий туркий шеърятдаги аллитерациянинг қуйидаги томонларини кўрсатиб ўтиш лозим: 1) унли ва ундош товушларнинг такрори; 2) велар (турғун) ва палатал (ўзгарувчан) товушлар такрори; 3) қаторлар бошини бирлаштирувчи товушлар такрори; 4) мисра ичидаги товушлар такрори. Мазкур жиҳатлардан

учинчисини инобатга олмасак, қолганлари игнабарг шеърларга ҳам тўла мос келади. Шунга яқин фикр У.Тўйчиев, М.Маматқулов тадқиқотларида ҳам кузатилди¹⁸.

Турк олими Н.С.Банарлининг фикрича, «Эски Эрон шеърлятида назм бирлиги мисра бўлган»¹⁹. «Мисра» аслида арабча сўз бўлиб, эшикнинг бир табақаси деган маънони билдиради. Ўрта асрларда илмий, мемуар, фалсафий мавзудаги асарлар муаллифлари фикр-мулоҳаза ёки бўлиб ўтган воқеа ҳодисаларни исботлаш учун мисра келтирганлар. Фикр исботи учун Хожа Убайдулла Ахрор, Алишер Навоий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Бобурларнинг бир қаторли шеърлари таҳлилга тортилади.

Иккинчи фасл «Бирлик шеърӣ жанр» деб номланган. Унда турк, рус ва ўзбек олимларининг бирлик ҳақидаги фикрларига муносабат билдирилади. Бирлик шеърда ҳиссий-экспрессивлик, бадиий образ, кўчим, мазмунӣ концентрация, вазн, ассоциация ва турли стилистик усуллар мавжудлиги уни шеър дейишга асос бўлиши ҳақидаги фикр илгари сурилади ҳамда игнабарг шеърлар мисолида исботланади. Жанрнинг хусусиятлари қуйидагича белгиланди: Бирлик деб онӣй лирик кечинманинг лаҳзалик намоён бўлиши натижасида яратилган, вазнга солинган, мазмунан зиддиятли, ички кечинма ва мазмун концентрациялашган, тугал мазмунли, бир қаторли шеърга айтилади. Бирликда лирик воқеликнинг штрихлари берилади. Асосан ўқувчининг ассоциатив фикрлашига таяниб иш кўрилади.

Учинчи фасл «Игнабарг ва фикралар асоси» деб номланган. Унда ҳар қандай лирик шеърда бўлгани каби бирлик шеър асосида ҳам лирик кечинма ётиши ва бу кечинма табиати турлича бўлиши, бу эса ўз навбатида шеърнинг шаклига таъсир кўрсатиши таҳлил этилади. Масалан, Анвар Обиджон ёзади:

*Бор топгани – кўнглидаги кир*²⁰.

Мазкур игнабаргда бутун умри давомида бошқаларнинг ютуқ ва бахт саодатини кўролмай, ҳасад, ғийбат билан яшаган, ичи қора, турқи совуқ, кўримсиз, ғаламис кимсанинг портрети аниқ ифодаланган. Шеър реал ҳаётӣй мотивга асосланган фалсафӣй ҳулосадир. У аслида икки қисмдан иборат бўлиб, ҳар иккаласи тире орқали ўзаро мазмунӣй муносабатга киришади ҳамда метафора сифатида бадиий яхлит оламни ифодалайди.

Ассоциациясига таяниб иш кўриш ва оз сўз билан теран мазмунни ифодалаш Фарида Афрўз фикраларида ҳам кузатилади:

*Шоир – шамолда шам кўтариб кетаётган кимса*²¹.

¹⁸Маматқулов М.Р. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси. Фил.фан.ном...дис.автореф. –Тошкент: 2004. – Б.8.

¹⁹Nihat Sami Banarlı. Resimli Türk edebiyati tarihi. – Istanbul:Milli Eğitim Basımı. 1987. 1jild. –S.52.

²⁰Обиджон, Анвар. Игнабарглар// Ёшлик. №10(270), 2013, – Б.22.

Муаллиф шоирларнинг оламдаги, инсоният тарихидаги хизмати ва вазифасига таъриф берапти. Унда метафорик асосда бадиийлик юзага келган.

Бу «шоир» ва «шам» сўзларининг мазмуний муносабатида кўринади. Нимага айнан шам, бунинг устига шамолда, ахир бу мантиқан зид ҳолатлар. Лекин ана шу мантикий зидликда шоирга хос хусусият – ҳаётни борица бутунлай қамраб олиш истаги мавжуд. Аслида бажариб бўлмас, бироқ ҳаётда зарур нарсаларни бажариш қудратига эгалиги кўрсатилган. Шунингдек, бу ерда масаланинг яна бир томони бор. У ҳам бўлса шоирлик масъулияти. Қофия ва вазнга солинган ҳар қандай фикр ҳам шеър бўлавермаслиги, шеър бўлиши учун шоир фидоий, қалбан ва руҳан ҳақиқат учун кураши лозимлиги ҳам таъкидланган.

Бирлик шеърда бадиий асар тили ва унга хос бўлган жиҳатлар етакчи ўринга чиқади. Натижада лирик шеър нутқида лексик, морфологик, синтактик ва фонетик воситаларнинг шаклий ва мазмуний концентрацияси юз беради. Масалан:

*Халқ сотилмас, сотишар халқни*²².

Мазкур шеърнинг шаклини иккита сўз ва уларнинг турли морфологик ўзгаришлари ташкил этган. Бу нарса уларнинг мазмунига ҳам таъсир қилиши табиий. Агар шеърнинг структурал моделини бир неча қатламли ядро деб қабул қилсак, унинг ташқи қатлами сўздир. Иккинчи қатламда ижодкорнинг мазкур сатрни ёзиш пайтидаги фикр ва туйғу мутаносиблигига гувоҳ бўламиз. Шу ерда у лирик қаҳрамон сифатида қатъий характерли эканини намойиш қилган. Учинчи қатламда эса ҳаётини тажрибасидан келиб чиқиб, ўз хулосасини баён этган. Тўртинчи қатламда унинг чинакам ватанпарварлиги, бешинчи қатламда эса ўз халқига ишониши, олтинчи қатламда халқнинг тарихи, еттинчи қатламда халқнинг бағрикенглиги, саккизинчи қатламда одамларга хос салбий ҳолат очилган. Мазмун асосини ташкил этган ҳодиса бу метафоравийликдир. Композицион жиҳатдан олганда, «халқ сотилмас» бирикмаси тезис, «сотишар халқни» бирикмаси эса хулосадир.

Демак, бадиий матн маълум бир структурал яхлитлик сифатида эстетик ва бадиий мақсадларни ўзида мужассам этади. Ана шу бутунлик асар шакли ва мазмунига ўзига хослик, бетакрорлик бахш этади. Боб муҳокама этилган илмий муаммо ва масалаларга оид фикрларнинг қисқача хулосаси билан яқунланган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Бирликларнинг таснифи**» деб номланган. Унда Анвар Обиджон шеърлари бадиий идрок қилиш ва ифодалаш, ритмик интонацион ва мавзусига кўра тасниф қилинади. Бобнинг «Ироник шеърлар» деб аталган биринчи фаслида Г.Н.Поспелов, Д.Ҳ.Қуროнов, М.А.Можайко, У.Эко каби олимларнинг ирония ҳақидаги назарий фикрлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Сўнгра Анвар Обиджоннинг шеърлари таҳлил қилинади.

²¹Фарида Афрўз. Тасбеҳ. Четки. Rosary. –Тошкент. Шарқ. 2007. –Б.262.

²²Анвар Обиджон. Танланган шеърлар.–Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.244.

*Кал йиғларди сочин соғиниб*²³.

Шеърда аччиқ кулги, кесатиқ мавжуд. Чунки «кал» билан «соч» сўзлари мазмунан зид. Шоир метафорик асосда воқеликни тасвирлар экан, кал сўзига иккита вазифа юклаб унинг маъновий доирасини кенгайтирган. Кал биринчи ўринда образ, иккинчи ўринда ўша образнинг сочи тўкилганлигини билдиради. «Сочин соғиниб» бирикмаси эса шу образнинг афсус, надомати, дилидаги кечинмаларини ифодалашга хизмат қияпти.

«Фалсафий-афористик шеърлар»номли фаслда игнабарглардан 23 тасини фалсафий-афористик шеърлар гуруҳига киритиш мумкинлиги илмий исботлаб берилади. Бу туркумдаги шеърлар фикрнинг оригинал тарзда яқунлангани, қатъий ҳукм даражасида ифодаланганлиги, бир неча ғояларнинг туташ нуқтасига айланганлиги, ёдда сақлашга қулайлиги, ҳаётийлиги ва салмоғи билан ажралиб туради.

*Қўй қирилса, чўчқага нима...*²⁴

Шеър шакл ва мазмунига кўра мақолга яқин туради. Лекин мақолдан фикрнинг давомийлиги, муаллифи аниқлиги, лирик қаҳрамон шахсий муносабатининг кескинлиги билан фарқ қилади. Чунки мақолда қатъий ҳукм янграса-да, субъектив нейтраллик сақланади.

Учинчи фасл «Ижтимоий-публицистик шеърлар» деб номланган. Биринчиси кенг планда бўлиб, кишилик жамиятининг у ёки бу конкрет тарихий даврида табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари «ижтимоий онг» сифатида тушунилади. Иккинчиси эса тор доирадаги ижтимоийлик бўлиб, бунда бир асар доирасида мазмуннинг оммавий ва хусусий бўлишига кўпроқ эътибор қилинади. Агар бир шеърда фалсафийлик ёки афористиклик кўпроқ бўлса, унда ижтимоийлик лирик қаҳрамон орқали юзага чиқади. Лекин шундай игнабарг шеърлар ҳам борки, уларда ижтимоийлашув очик, публицистик кўриниш олади. Масалан:

*Милтиқ нега ўзини отди?*²⁵

Аслида милтиқ қурол. Аммо лирик қаҳрамоннинг теран кўзи милтиқнинг юраги борлиги ва образга айланганини илғаб, ўқ отишдан унинг ўзи ҳам бешиб, ўзича отилиб, бирдан «ёрилиб» кетганини сезган. Милтиқ образи синчков лирик қаҳрамон назарида рамзийликка ҳам эга. У жиноятчи эмас, балки одам кўлида ёвузлик қурбонига айланган, жабрланувчидир. Одамнинг тубанлигидан ўқ отишга мўлжалланган милтиқ ҳам зериккан ва у бу ишини ташлаб кетмоқчи. Аммо иложсиз. Ана шу иложсизлик замирида лирик қаҳрамоннинг ёвузликка қарши кураш ғояси илғари сурилган.

Юқоридаги таснифдан ташқари, игнабаргларни ритмик-интонациясига кўра ҳам тасниф қилиш мумкин. Қуйидаги жадвалда игнабаргдаги бўғинларнинг жойлашуви, сифати ва сонига кўра ўзаро таққослаганда ҳосил бўлган частота келтирилган. Вертикал устунда унли товушларнинг бўғин

²³Юқоридаги манба, ўша жой.

²⁴Юқоридаги манба. – Б. 272.

²⁵Юқоридаги манба. – Б. 296

таркибидаги сифатига қуйидан юқорига караб жойлаштирдик. Бунда товушларнинг оҳанг даражасига кўра: «қ.ё.б.» – қисқа унлили ёпиқ бўғин, «қ.о.б.» – қисқа унлили очик бўғин, «ч.ё.б.» – чўзиқ унлили ёпиқ бўғин, «ч.о.б.» – таркибида чўзиқ унли бўлган очик бўғин тарзда қатъий тартибда жойлаштирдик. Соф унли қисқа очик бўғин турига киргани учун уни алоҳида кўрсатмадик. Вертикал тартибли мазкур қоида барча шеърларнинг оҳанг даражаси учун бир хил деб қабул қилинди.

	1- бўғин	2- бўғин	3- бўғин	4- бўғин	5- бўғин	6- бўғин	7- бўғин	8- бўғин	9- бўғин
Ч.о.б.									
Ч.ё.б.									
қ.о.б.									
Қ.ё.б.									
Мисра	Га	дой	лар	дан	ҳа	ли	қар	зим	кўп
Туроклар	1-турок				2-турок		3-турок		

Горизонтал қаторда эса шеър турокларга бўлиб берилган. Ҳар бир турок таркибидаги товушларнинг талаффузи ва бадий ифодаси уларнинг бадий эстетик функциясини белгилайди. Шунинг учун уларни бир частота доирасида ва частоталараро таққослаш ҳам шеърнинг шаклий-мазмуний ўзига хослигини кўрсатади. Юқоридаги шеърда чўзиқ унлили очик ва соф унлили бўғин иштирок этмаган. Қолган бўғинлар мавжуд ва уларнинг ўзаро муносабати шеърдаги оҳанг, ҳиссий мазмундаги тебранишни аниқ ифодалаган.

Умуман олганда, шоир игнабаргларда ватан ва ватанпарварлик, эрк ва эрксизлик, зулм ва унга қарши кураш, гўзаллик ва хунуклик, меҳр-оқибат ва меҳрсизлик, ёлғизлик, тўғрилиқ ва эгрилик, одамийлик, қадрият ва қадрсизлик, садоқат ва хиёнат, лоқайдлик, оила, тақдир ва тадбир, фидоийлик, орзу ва армон, имконият ва иложсизлик, иккиюзламачилик, мактанчоқлик, нафс, эзгулик, ҳасад, бахиллик, висол ва ҳижрон каби мавзуларни қаламга олган.

Учинчи боб «**Учлик шеър поэтикаси**» деб номланган. Бунда, аввало, учлик жанрига мурожаат кучайгани ва уларни Анвар Обиджон «уччанок», Фарида Афрўз «учлик» ва «тасбеҳ», Абдулла Шер «хокку» деб номлагани, лекин «уччанок»лар анча мукамал, бадий пухтарок эканлиги ҳақида илмий

фикрлар илгари сурилади. Бир қарашда майин, истехзоли, «чақиб олиш», захарханда кулги каби жиҳатларга бой, мазмунан фалсафий, мажозий, ижтимоий-публицистик шеърлар ўзига хос ифодаси, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Фарида Афрўзнинг учлик(тасбех)лари эса лирик, ҳиссий фалсафий мазмуни ва эркин вазни билан ажралиб туради. Ўзбек шеърляти даги кичик лирик жанрларнинг бундай ранг-баранглиги, шубҳасиз, шеърлятдаги қатор шаклий-услубий изланишларнинг маҳсулидир. Лекин улар жаҳон поэзиясидаги хокку²⁶, сичжо²⁷ каби жанрлар билан қиёслаб тадқиқ қилганда, ўзбек учликлари ривожланиш босқичида эканлиги аниқланди. Бобнинг биринчи фасли «Учликнинг шаклланиши ва бадиий такомилли» деб аталган. Учлик шеърлий жанри ўзбек халқ оғзаки ижоди ва исломгача бўлган адабиёт намуналарида учраши, Апринчур Тигиннинг бизга етиб келган иккита шеъридан «бири... учлик шаклида яратилган»лиги ва «Ирқ битиги» таркибидаги 1, 7, 12, 14, 21, 23, 30 шеърлар учлик шаклида ёзилгани билан исботланган.

Фасл аввалида уч мисрадан иборат учлик асар ва ҳар банди уч мисрадан иборат бир неча бандли шеърлар тушунчасига ҳам аниқлик киритилади. Ўзбек учликларининг келиб чиқишида ўзбек халқ оғзаки ижодидаги топишмоқ, мақол, халқ кўшиқлари каби жанрларнинг ўрни ҳам каттадир. Ўзбек топишмоқларида баъзан уч мисралилари учрайди. Айниқса, қуйидаги топишмоқ ўз вазни ва қофиясига кўра Анвар Обижоннинг уччанокларига яқин келади:

*Жонсиз дема, жонли ўзи,
Ундан чиқса митти кўзи,
Пати момик чип-чип этар (Тухум, жўжа).*

Бу ерда биз 4+3 тарзда турокланган 7 бўғинли бармоқ вазнини, а-а-б тартибдаги қофияни кузатишимиз мумкин.

Демак, учлик шеърлар илдизи ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиётига бориб тақалади. Учлик ана шу манбалардаги анъанавий шакллар, замонавий шеърлят ютуқлари асосида, шоирларнинг жиддий услубий изланишлари натижасида қайта ишланган жанрдир.

«Уччанокда образ ва образлилик» номли иккинчи фаслда Анвар Обиджоннинг уччанокларидаги образлар тизими ҳақида сўз юритилади. Ижодкор индивидуал тартибда борлиқни англари, идрок этар экан, ўзига хос механизм асосида иш кўради. Натижада ҳар қандай бадиий образда ижодкорнинг мукамал, оригинал, индивидуал маҳоратини кўриш мумкин:

*Тун. Ненидир излар кўр,
Кўзи очиқ унга дер:*

²⁶ Хокку, хайку (японча “илк мисралар”) – япон шеърлятидаги анъанавий қатъий шеърлий шакл, лирик жанр. Х. Уч мисрадан ташкил топиб, биринчи ва учинчи мисраси беш бўғинли, иккинчи мисраси эса етти бўғинли ўлчовда бўлади. Қуронови Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент:

²⁷ Сичжо (корейсча “замонавий кўшик”) – корейс шеърлятидаги уч мисрали шеър жанри. Сичжонинг биринчи ва иккинчи сатрларидаги бўғинлар сони кўпинча 7 та бўлади. Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Сов.энциклопедия, 1987, – С. 377.

– *Шам-пам ёқиб олсанг-чи!*²⁸

Шеърда шоир идрокидаги субъектив воқеликни ифодалаш учун лирик монологдан эмас, балки баён қилиш усулидан фойдаланилган. Бу эса шеърга эпиклик бағишлаган. Шеърнинг биринчи сўзи эпик тасвир ва образ сифатида келяпти. Лекин образга айланиши кўзи очикнинг гапидан англаныпти. Чунки тун – жамият образи. Унда юриш учун шам кўзи ожиз одамга эмас, балки кўзи очикқа кўпроқ керак. Шеърнинг асосий ғояси «кўзи ожиз» ва «кўзи очик» образларининг ўзаро қиёсий муносабатида очилган.

Анвар Обиджон яратган образлар оддий одамлар образидир. Улар гоҳ камтар, гоҳ курашчан, гоҳ меҳрибон, гоҳ ватанпарвар, гоҳида айёр, қув, сирли, гоҳ эса ошиқ қиёфасида намоён бўлади.

*Айтолмаган бир гапи
Денгиздаги дур каби
Қолди дилин тубида*²⁹.

Шеърдаги бош образ бир қарашда камтар одам образидир. Лекин шеър чуқурроқ таҳлил қилинса, у камтарликдан ўсиб, сирлилик касб этганини тушуниш қийин эмас. Шоир ўз қаҳрамони дилида бошқаларга айтолмаган гапи қолганига урғу берган.

Шеърда бош образга тавсиф берар экан, унинг иродали, ҳаётни севувчи, кечиримли эканлигини кўрсатиб бериш учун халқ тилига хос элементларни ишлатади (тўка ётиб – тўкётиб; чўка ётиб - чўкётиб). Композицион жиҳатдан шеър тезис–тезис–антитезис шаклидадир. Шеърдаги «тўкётиб», «чўкётиб» сўзларининг қофияси, «кўзёш» сўзи ва ў товушининг такрори шеърнинг ҳиссий таъсирини таъминлаган. Лекин охириги сатр биринчи ва иккинчи мисрадаги ҳиссий динамикани пасайтирган. Бироқ «тўкётиб», «чўкётиб» сўзлари «бахтлиман» сўзи билан мазмуний муносабатга киришиб, образнинг бадий функциясини кучайтирган.

Учинчи фасл «Бирлик ва учликдаги тиниш белгиларининг бадий эстетикфункциялари» деб номланган. Унда шеърдаги тиниш белгиларининг шеър ғояси ва мазмунини очиш, таъсирчанлиги, эмоционаллигини таъминлашда муҳим аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Масалан: *Ерни*

*сўкди... осмонга чиққач*³⁰.

